



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№18
31 июль

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
9 - ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
18-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ- 9**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
18-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART- 9**

ТОШКЕНТ-2020

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1. Фаррух Файзиев Абдуллахожаевич НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ РАСШИРЕНИЯ ДОХОДОВ МЕСТНОГО БЮДЖЕТА	8
2. X.Xudayarova INNOVATSION RIVOJLANISHNISHDA QO‘LLAB QUVVATLOVCHI IMKONIYATLAR VA DUCH KELINADIGAN MUAMMOLAR.....	11
3. Абдурахимова Гулчирой Махамматжон кизи ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ	13
4. Беркинов Бозорбой МАҲАЛЛА КОМПЛЕКСИНИ ҚУРИШ ВА ОИЛА ТАДБИРКОРЛИГИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	15
5. Карабекян Светлана Хамдамовна, Базарова Маира Хамдамовна РОЛЬ ИННОВАЦИИ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ	18
6. Лапасова Санобар Убайдуллаевна ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ	20
7. Шакирова Гўзал Абраловна МАҲАЛЛА ФАРОВОНЛИГИ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ	22
8. Шакирова Гўзал Абраловна ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	25
9. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Ниҳола Тоҳир кизи ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДОНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	27
10. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Ниҳола Тоҳир кизи ТАШҚИ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭКСПОРТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ	32
11. Odilova Sitora Sayfitdin THE CURRENT POSITION OF THE JUICE AND JUICE MARKET AND ITS HISTORICAL DEVELOPMENT.	36
12. Авезова Шахноза Махмуджановна ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УПРАВЛЕНИЯ ТРУДОВЫМИ РЕСУРСАМИ.....	38
13. Раджабова Гавхар Умаровна, Абдуллаев Абдулходид Абдулла ўғли РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА КАДРЛАР КОМПЕТЕНТЛИГИ	41
14. Махамматова Хилола Эгамбердиевна, Абдурахимова Гулчирой Махамматжон кизи ИҚТИСОДИЁТНИ БАҲАМКОР РИВОЖЛАНИШИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМИНИНГ РОЛИ	46
15. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Ниҳола Тоҳир кизи ТОВАРЛАР ТАШҚИ САВДОСИ: ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ	49
16. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Ниҳола Тоҳир кизи COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ.....	52
17. Jumaniyazova Sharifa Rashidovna, Allanazarov Otaxon Bayramboyevich O‘ZBEKISTON TURIZMI SOHASIDA MENMONXONA HO‘JALIGINING RIVOJLANISH HOLATI. (Xorazm viloyati misolida)	55
18. Maxmudov Dostonbek Soyibjon o‘g‘li KEYNESIAN MODEL AND THE MODERN ECONOMY	57
19. Шукуров Акмал Уктамович, Жабборов Элбек Эркин ўғли ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМЛАРИДА ВИРТУАЛ САВДО МАЙДОНЛАРИ	58
20. Шукуров Акмал Уктамович, Жабборов Элбек Эркин ўғли ОНЛАЙН ВА ОФЛАЙН РЕКЛАМАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	60



ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДОНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Юлдашев Элдор Илхомжонович
ТДИУ1-босқич докторанти
Телефон: +998(98)3630506
e.yuldashev@tsue.uz

Юлдашева Ниҳола Тоҳир қизи
Ўзбекистон МУ 4-босқич талабаси
nihola.yuldasheva98@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо фаолияти таҳлил қилиниб, унга глобал инқирозни вужудга келтирган пандемиянинг таъсирини ўрганиш ва уни зарарли оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш бўйича кўрилиши керак бўлган чора-тадбирлар тўғрисидаги таклифларим келтирилган.

Таянч иборалар: халқаро савдо, ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт, савдо баланси, экспорт таркиби, хизматлар экспорти.

1. Кириш.

1980-йилларгача дунёнинг иқтисодий ривожланиши паст даражадаги давлатлари қаторида бўлган ва ҳозирда ўзининг қудратли иқтисодий салоҳияти билан дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига кўтарилган Хитой мамлакатидан тарқалган, жаҳоннинг биринчи рақамли глобал муаммоси бўлиб келаётган COVID-19 пандемияси барча давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига жуда катта салбий оқибатлар билан зарар келтирмоқда. Интеграциялашувнинг энг юқори даражасига интилаётган барча давлатларнинг нафақат ички иқтисодий муносабатлари, балки ташқи савдо амалиётлари ҳам кескин пасайиб кетиб бормоқда. Барчага маълумки, ташқи савдо мамлакатнинг барча соҳаларини ривожланишида катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу сабабли ташқи савдо фаолиятини ўсиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва унга таъсир қилаётган COVID-19 пандемиясининг зарарли оқибатларини юмшатиш ва уни барқарор ўсиш даражасини тиклашда илмий изланишлар олиб бориш ва таҳлиллар натижаларини таклиф сифатида тақдим этиш ушбу мақоланинг асосий мақсади ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодчи олимлар ташқи савдо фаолияти устида ўз изланишларини олиб боришган ва илмий тадқиқотлари натижаси сифатида қуйидаги таърифларни беришган. Унга кўра М. А. Курдова ва А. А. Юринлар (2019) халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим шаклларида бири халқаро савдо ҳисобланади, чунки у ҳар қандай давлат ривожланишининг ишлаб чиқариш, бандлик ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсир қилади. Шундай қилиб, чет элда ишлаб чиқарилган товарларга талабнинг ортиши натижасида экспорт тармоқларида ишлаб чиқаришнинг ўсиши мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсишига олиб келади. Аксинча, импортнинг ўсиши бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга бўлган ички талабнинг бир қисмини қондиради ва шу билан маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи таъсирини камайтиради, натижада ЯИМ пасаяди деб таъкидлаганлар. Таниқли белорус иқтисодчи олими Н. С. Шелег (2014) эса халқаро савдо-бу нафақат товарлар, балки кенг кўламли хизматлар (транспорт, молия, сайёҳлик ва бошқалар), шунингдек интеллектуал мулк объектлари (объектлари) савдосини ҳам қамраб оладиган турли мамлакатлар ташқи савдосининг йиғиндиси. Халқаро савдо мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига, унинг истеъмол бозори ва ички савдосига сезиларли таъсир қилади. Бу халқаро савдода иштирок етадиган мамлакатларда турмуш даражасининг ўсишига таъсир қилади. Савдо қарама-қаршиликлари жаҳон иқтисодиётида энг жиддий жиҳати бўлиб, савдо-иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш энг нуфузли замонавий халқаро ташкилотлардан бири - Жаҳон савдо ташкилоти (Жаҳон савдо ташкилоти) да муҳокама қилинмоқда деган фикрни билдирган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д. С. Джумонов ва О. У. Мамадиёровлар (2013) ўзларининг илмий изланишлари натижасида ташқи савдони халқаро ихтисослашув ва ишлаб



чиқаришни кооперациялаш, халқаро фан-техника соҳасида ҳамкорлик, халқаро меҳнат тақсимоти халқаро савдонинг асосини ташкил қилади. Халқаро савдо – халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий шаклларида биридир. Халқаро савдо орқали дунё мамлакатлари маълум бир товарлар ёки товарлар гуруҳини ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш орқали ундан муносиб ўринни эгаллашга ҳаракат қилишини эътироф этганлар. Ўзбек иқтисодчи олимларидан Г.Ғ.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов ва О.Б.Ҳамидовлар (2011) ташқи савдо соҳасида олиб борган илмий изланишларидан ташқи савдо деганда бир мамлакатнинг бошқа бир мамлакат билан ҳақ тўланадиган олиб кириши, яъни, импорт ва ҳақ тўланадиган олиб чиқиш, яъни, экспортдан иборат савдоси назарда тутилади. Дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳақ тўланадиган товар айланмаси йиғиндиси халқаро савдо деб аталади. Халқаро савдо тушунчаси торроқ маънода ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, саноати ривожланган давлатларда Товар айланмасининг йиғиндиси, ривожланаётган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси ва х.к.деган хулосага келганлар.

Ташқи савдо мамлакатларнинг асосиймакроиқтисодий кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади, яъни, импорт қилинган янги техника ва технологиялар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади ва бу ЯИМнинг ортишига олиб келади. Иқтисодий барқарорлик мамлакатда янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг кўпайишига ва ишсизлик даражасини камайишига олиб келади. Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш солиқ юқини камайиши орқалисолиқ тушумларини ортишига ва бюджетнинг аҳоли фаровонлиги учун қилинадиган харажатларни янада кенгрок амалга оширилишига замин яратади. Кўриниб турибдики, ташқи ташқи савдо орқали мамлакатнинг барча соҳалари иқтисодий барқарорлиги ортади, бу эса Шу билан бирга, хориждан импорт қилиш ЯИМига, иқтисодий Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан техника ва электроника тараққиёти маҳсуллари бўлган турли асосий восита ва номоддий активларни, миллий иқтисодиётимизда талаб юқори бўлган озиқ-овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларни оптимал даражада Ўзбекистонга импорт қилиб, миллий маҳсулотларимизни жаҳон мамлакатларига экспорт қилишимиз мамлакатимизнинг дунё бозорига ўз ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Дунё мамлакатлари халқаро интеграциялашувининг юқори даражадаги ўсиш суръатлари улар иқтисодиётига ўзининг кучли таъсирини ўтказади. Мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида халқаро савдо алоқаларининг кенгайиб бориши иқтисодиёт тузилмаларининг барқарор ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Товарлар статистикасини шакллантиришда дастлабки маълумотлар бўлиб, Давлат божхона қўмитасининг юк божхона декларациясининг маълумотлари ҳамда Давлат статистика статистика қўмитасининг резидентдан норезидентга ўтувчи, давлат чегарасини кесиб ўтмайдиган ва божхона декларациясида ҳисобга олинмайдиган товарларни статистик кузатувлари ҳисобланади. Ташқи савдо хизматлар статистикасини шакллантириш Давлат статистика кузатувлари асосида амалга оширилади.

Метамаълумотда келтирилишича (2007), Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо бўйича статистик маълумотларни шакллантиришда қуйидагилар ҳуқуқий асос ҳисобланади:

- «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистика ситўғрисида» гиконуни;
- «Товарлар халқаро савдо статистикаси: тушунчалар ватаърифлар» (СМТТ-2010);
- Ташқи савдо хизматлар статистикаси бўйича қўлланма (РСМТУ-2010).
- Туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар - 2008;
- «Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайт

аишлаш услубияти ўғрисидаги низом», Давлат статистика қўмитасининг (№11), Давлат божхона қўмитасининг (№01-02/15-23), Иқтисодиёт вазирлигининг (№31) ва Инвестициялар ваташқи савдо вазирлигининг (№ ЕҒ-01/10-4715) 2007 йил 27 августдаги қарорлари билан тасдиқланган.

Ташқи савдо статистикаси шаклланишининг қуйидаги услубий асосларимавжуд:

- Товарлар ташқи савдоси статистика ҳисобини ташкил қилиш бўйича услубий низом - №1, 2019 йил 18 январь;

- Хизматлар ташқи савдо статистика ҳисобини ташкил қилиш бўйича услубий низом - №1, 2018 йил 19 январь.

3. Тадқиқот методологияси.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда ташқи савдо фаолиятига ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланиш



жараёнлари устида аналитик ва синтетик таҳлиллар ўтказиб, ташқи савдони барқарорлигини сақлаб қолишда турли иқтисодчи олимларнинг изланишларини ўрганиб, назарий ва амалий статистик материал ва маълумотларни йиғиш ва уларни таққослаш усулларини қўлланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ташқи савдо мамкалатларнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади, яъни, импорт қилинган янги техника ва технологиялар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади ва бу ЯИМнинг ортишига олиб келади. Иқтисодий барқарорлик мамлакатда янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг кўпайишига ва ишсизлик даражасини камайишига олиб келади. Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш солиқ юкини камайиши орқали солиқ тушумларини ортишига ва бюджетнинг аҳоли фаровонлиги учун қилинадиган харажатларни янада кенгроқ амалга оширилишига замин яратади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ташқи савдо фаолияти устида тадқиқот олиб боришда Ташқи савдо статистикаси маълумотларидан фойдаланамиз. Қуйида ривожланган давлатлар билан мамлакатимизнинг экспорт операцияларини таҳлилин келтириб ўтамиз.

1- жадвал

Ўзбекистоннинг ривожланган давлатларга қилган экспортнинг ўсиши¹ (млн. АҚШ долл.)

Давлатлар номи	2018 йил	2019 йил	Ўсиш суръати, %
Хитой	2 875,4	2 519,0	-12,39
АҚШ	36,8	29,1	-20,92
Германия	53,7	53,9	0,37
Бирлашган Қироллик	174,5	131,8	-24,47
Россия Федерацияси	2 117,3	2 492,5	17,72

1-жадвал маълумотлари дунёнинг ривожланган мамлакатларига қилинган экспорт операцияларининг, Россия Федерацияси ва Германияни истисно қилганда, пасайганлигини кўришимиз мумкин. Туркия ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон каби кўшни давлатлар билан йиллар давомидаги амалга оширилган экспорт ҳажмининг ортиб бораётганлиги ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Унинг амалийисботини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

2- жадвал

Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси ва баланси динамикаси² (млрд. АҚШ долл.)

Давлатлар номи	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Экспорт	12,6	14,0	17,9
Импорт	14,0	19,4	24,3
Сальдо	-1,4	-5,4	-6,4
Ташқи савдо айланмаси	26,6	33,4	42,2

2-Жадвалда охириги 3 йил давомида мамлакатимизда экспорт операцияларининг умумий ҳажми ортиб борган. Импорт операциялар эса унданда жадаллик билан ўсган бўлиб, умумий олганда ташқи савдо айланмаси ортиб, сальдо камайиш тенденциясини кўрсатган. Бунга Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси қуйидаги изоҳни келтириб ўтган: “Ҳукуматнинг ташқи иқтисодий фаолият борасида сўнгги йилларда амалга ошираётган экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш ва умуман олганда ташқи савдо мувозанатини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар 2019 йил якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмасини (матнда ТСА) 42,2 млрд. АҚШ долларига етишини ва 2018 йилга нисбатан 8,7 млрд. АҚШ долларига ёки 26,2 % га ошишини таъминлади. Ушбу натижа мамлакат тарихида энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди.”³

¹ Жадвал www.stat.uz сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² Жадвал www.stat.uz сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

³ Жадвал www.stat.uz сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибида 27,5 % олтин, 19,9 % хизматлар, 14,2% энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари, 4,9 % кимё маҳсулотлари ва буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари 8,5 %, пахта толаси 1,6 % ва бошқалардан ташкил топган. Импорт таркибида эса машина ва асбоб-ускуналар 43,8%ни, кимё маҳсулотлари ва буюмлари 13,2 %ни, хизматлар импорти 10%ни, озиқ-овқат маҳсулотлари 7,8%ни ташкил қилади. Булар ўз навбатида мамлакатимизда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига ўзининг таъсирини кўрсатади:

3- жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ ўсиш динамикаси¹.

Давлатлар номи	2017 йил	2018 йил	2019 йил
ЯИМ (трлн.сўм)	249,1	407,5	511,8
Аҳоли жон бошига (млн.сўм)	7,6	12,3	15,2
Ўтган йилга нисбатан ўсиши, %да	5,3	5,1	5,6

Юқоридаги 3-жадвалмаълумотларида Ўзбекистонда ЯИМнинг йиллар давомида ўсиб боргани, аҳоли табиий ўсиш даражасининг ортишига қарамай жон бошига тўғри келадиган ЯИМ нинг ҳам ўсиш тенденциясига эга эканлиги нафақат ташқи савдонинг, балки мамлакатимиз иқтисодиётининг барча йўналишларида барқарор ўсиш суръатларига эришиб борилаётганлиги кўринади.

Мухтарам Президентимизнинг (2017)иқтисодиётни ривожлантириш ва экспорт фаолиятини янада кенгайтириш, натижада мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўринни эгаллаши, йирик инвестиция маблағларини эркин кириб келишини таъминлаш борасида ҳукуватимиз олдида кўйган долзарб вазифаларни изчиллик билан амалга ошириб келинаётганлиги ҳам ўзининг амалий натижасидамиллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш, шунингдек, туризм индустриясини жадал ривожлантириш зарурлиги назарда тутилмоқда.

Шундай қилиб, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ўзининг қудратли иқтисодий салоҳияти билан дунё бозорида кучли рақобатни юзага келтираётган даврда мамлакатимиз ўзига хос иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва янги инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш орқали ўзининг ташқи савдо фаолиятини ижобий ўзгаришлар билан давом эттириб, бақарор иқтисодий ўсишга эришиб келаётганлиги катта мувофақият ҳисобланади.

Дунёнинг барча мамлакатларида бўлгани каби, бизнинг ҳам юртимиз иқтисодиётига салбий таъсирисифатида Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо кўрсаткичлари кескин тушиб кетганлигини куйидаги жадвалда келтириб ўтишимиз мумкин:

4- жадвал

Ўзбекистоннинг чораклик ташқи савдо айланмаси динамикаси².

(млн. АҚШ долл.)

Давлатлар номи	2019 йил 1-чорак	2020 йил 1-чорак	Ўзгариши
Экспорт	3 788,2	3 374,7	-413,50
Импорт	5 276,3	4 765,7	-510,60
Сальдо	-1 488,0	-1 390,9	97,10
Ташқи савдо айланмаси	9 064,5	8 140,4	-924,10

Юқоридаги 4-жадвал маълумотлариданпандемиянинг зарарди оқибати натижасида2020 йил 1-чоракда экспорт ва импорт операциялари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайганини кўришимиз мумкин.

¹ Жадвал www.stat.uz сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² Жадвал www.stat.uz сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



Республикада яратилган ЯИМ чораклик кўрсаткичларини қуйидаги жадвал маълумотлари ёрдамида таҳлил қиламиз:

5- жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ ўсиш динамикаси¹.

Давлатлар номи	2019 йил 1-чорак	2020 йил 1-чорак	Ўзгариши
ЯИМ (млрд.сўм)	93,1	110,5	-17,4
Аҳоли жон бошига (минг.сўм)	2 794,0	3 253,0	-459,0

5-жадвалда эса 2020 йил 1-чоракда яратилган ЯИМнинг пасайиши аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайишига олиб келган.

5. Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижаларини қуйида келтириб ўтаемиз:

➤ Аҳолининг томорқа хўжаликларидан кенг фойдаланишларини моддий қўллаб-қувватлаш, бунинг учун эса пул маблағи эмас, балки ушбу ҳаракатнинг аниқ мақсадлилигини таъминлаш учун айнан талаб юқори бўлган ўсимлик кўчатлари ва уруғлари, донли ва дуккакли ўсимликлар уруғларини тарқатиш ва аҳолининг сув чиқариш имконига эга ҳудудларига қисқа муддатдасунъий равишда сув иншоотлари билан таъминлаш зарур. Аҳолининг талаби юқори бўлган ва асосан четдан импорт қилиниши оммавий тус олаётган картошка ва пиёз каби сабзавотларни томорқаларда етиштирилиши бўш вақтдан унумли фойдаланиш истагида бўлган ва қўшимча даромад олиш истагида бўлган аҳолининг барча қатлами томонидан амалга оширилиши мумкин. Бу билан сабзавотлар импортини қисқаришига ва экспортни ортишига эришишимиз мумкин. Донли ўсимликлар сифатида асосан маккажўхори донини уруғлик сифатида етказиб берилса, чорвачиликда ем-хашак захирасини ортишига олиб келади. Чорвачиликда хориждан қилинадиган гўшт ва сут маҳсулотларини импортини камайишини ва миллий чорвачилигимизни барқарор ривожланишини таъминлайди.

➤ Ташқи савдо бўйича статистик маълумотларни айнан тижорат банкларидан олиш эмас, балки, “Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими”дан экспорт ва импорт операцияларини олиш имконини бериш амалиётини жорий қилиниши, бу орқали ташқи савдо бўйича етарлича статистик маълумотлар олиниши ва миллий иқтисодиётимизнинг ривожланишида қарорлар қабул қилинишида янада сифатли маълумотлар билан таъминланиш имкони мавжуд бўлар эди.

➤ Импорт операцияларини амалга ошириш учун юридик шахсларнинг валюта амалиётларига янада қулай хизматлар жорий қилиниши зарур. Ушбу хизмат сифатида биз ҳозирда амалиётда қўлланилаётган валюта биржасидан хорижий валютани сотиб олишда мижознинг валюта сотиб олиш бўйича қилган мурожаати кундан 1 кун муддатдан кейин валюта биржасидан хорижий валюта сотиб олиниб, мижознинг талабини қондирилиши ўрнига ўша куннинг ўзида таъминлаш амалиётини (банкнинг ўз позицияси доирасида бўлмаган ҳолатлар учун) жорий қилишни шахсий таклифимиз сифатида айтиб ўтаемиз.

Адабиётлар:

1. Курдова М. А., Юрин А. А., (2019) «Внешняя торговля как основная форма международных экономических отношений». научная статья. Экономические науки. <https://www.cyberleninka.ru>.
2. Шелег Н. С., (2019) Международная торговля / Н. С. Шелег — «Высшая школа».
3. Джумонов Д.С., Мамадиёров О.У., (2013) Халқаро савдо (маърузалар матни) Т.: ТМИ, 2013. 9-бет.
4. Г.Ф.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Ҳамидов, (2011). Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. –Т.: 2011. 17 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Статистика метамалумотлари, (2007). Ташқи савдо айланмаси. 6 бет. www.stat.uz

¹ Жадвал www.stat.uz сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.